



# ЎСМИРЛАРНИ ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШИ ВА ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИК ДАРАЖАСИНИ ПЕДАГОГИК НАЗОРАТ ҚИЛИШ.

**Ж.Э.Энзазаров**

*Илмий раҳбар: проф.*

**Камола Қурбонова**

*Магистрант*

*Ўзбекистон-Финляндия педагогика институти, Жисмоний маданият йўналиши*

*2-курс*

**Калит сўзлар;** Жисмоний тарбия, спорт, соғлом турмуши тарзи, жисмоний тарбия тизими, жисмоний тайёргарлик, жисмоний ривожланиши, ҳаракат фаолияти, жисмоний тарбия асослари, машқ комплекслари, ҳаракат сифати, умумривожлантирувчи машқлар.

Ёш авлодни миллий гоя негизида маънавий–ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, шубҳасиз, жисмоний ва руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда мустаҳкамлашни, соғлом турмуш тарзи асосларини шакллантиришни ҳам назарда тутади. 13-14 ёшли ўсмирларда фаол ҳаётий қарашлар, одоб-ахлоқ, олижаноблик ва яхшиликнинг юксак ғояларини тарбиялаш жараёнида жисмоний тарбия ва спортнинг восита, шакл ҳамда усувларидан фойдаланиш устувор жиҳатлардан бири хисобланади.

Болалар ва ўсмирларнинг жисмоний тарбия тизимида тор ихтисослик бўйича жисмоний тайёргарлик ва соғлигини мустаҳкамлаш, ўқувчиларнинг жисмоний имкониятларини ёшга доир ривожланиши хусусиятларига мувофиқ жисмоний тайёргарлик технологияларидан фойдаланиш, алоҳида спорт турини танлашда илмий асосланган йўналиш ва спорт бўйича қобилиятини ривожлантириш ва аниқлашнинг энг юқори такомиллашган услубларидан фойдаланиш ўсмирлар спортини ривожлантириш учун таркибий асос ҳисобланади.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида бугунги қунда жисмоний тайёргарлик даражасини ошириш ва мактаб ўқувчиларининг ҳаракат фаолиятини ошириш масалалари алоҳида ўрин тутади. Умумтаълим мактабларида ўқитиш жараёни ўқувчилар учун зарур бўлган ҳаракат қобилиятларини шакллантириш, асосий жисмоний тарбия асосларини яратиш ва уларнинг ҳар томонлама баркамол ривожланишини таъминлайди.

Бир қатор маҳаллий ва хорижий олимларнинг таъкидлашича, А.Абдуллаев, Ш.Х. Ханкелдиев, Айзман Р.И. В.К.Балсевич, В.И.Лях, Гужаловский А.А., Р.Саламов, Д.Д Шарипова ва бошқалар умумтаълим мактабларда жисмоний тарбия тизимининг устувор (“анъанавий”) йўналишлари бўлиб, ўсиб бораётган организмнинг ҳаракат фаолиятга бўлган эҳтиёжларини тўлиқ қондирмаслигини кўрсатиб ўтишган.

Муаллифлар фикрича жисмоний тарбия ўқитувчиси фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири - ҳаракат сифатини тестдан ўтказиб, ўқувчиларга бир қатор

муҳим педагогик вазифаларни ҳал қилишда ёрдам бериш, ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлигини ошириш даражасини кўрсатади.(Ашмарин Б.А,Бондаревский Е.Я,Волков Л.В,Володина В.С,Гужаловский

Синов натижаларига қўра қўйидагиларни амалга оширишингиз мумкин: танловда иштирок этиш учун ушбу спорт турини ўтказиша спорт танловини ўтказиш; индивидуал ўқувчилар ва барча гурухларнинг тайёргарлигини солишириш; фойдаланиладиган воситалар ва усулларни ва таълимнинг камчиликларини ва афзаликларини аниқлаш; спортчилар ва ўқувчиларни ўқитиш устидан объектив назоратни амалга ошириш, ёшларнинг жисмоний тайёргарлигига оид меъёрларни ишлаб чиқиш (ёши, индивидуал). Бунга қўшимча равишида, тест топшириқларини қўйидагича ифодалаш мумкин:

- мактаб ўқувчиларига зарур машқ комплексларини режалаштириш ва ўзларининг жисмоний тайёргарлиги даражасини аниқлашга ўргатиш;

- ўқувчиларни жисмоний ҳолатларини янада ривожлантиришга эътибор қаратиш;

- юқори натижаларга эришган ўқувчиларни ўз вақтида рағбатлантириш;

- восита усулларини қўллашни ривожлантиришнинг бошланғич даражасини, балки унинг муайян вақт ичida ўзгаришини ҳам билиш. Сўнгги йилларда болалар ва ўсмирлардаги жисмоний ривожланишни пасайиш сабабларидан бири қаторида мутахассислар стандартларга ва стандартлаштирилган тест натижаларини қиёсий таққослашда анъанавий ёндашувга эътибор қаратади. Бу ҳол ўқувчиларнинг аксариятига тестларга нисбатан салбий муносабатда бўлишига олиб келади. Шу муносабат билан ўқувчиларнинг педагогик назоратини ташкил этишни қайта кўриб чиқиш зарур. Ўқитувчиларни назорат қилиш таълим жараёнининг мазмуни билан белгиланади. Дарснинг тўғри ташкил этилиши ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида биргаликдаги ишларнинг аниқ натижалари тўғрисида доимо маълумотларни алмашишни назарда тутади. Ушбу назоратнинг моҳияти машғулотларнинг ҳар бир босқичида ҳаракат сифатларини ривожлантириш даражасига оид тўлиқ ва аниқ маълумотни ўз вақтида қабул қилишдир. Ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлигини педагогик назоратни такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларни ўрганиш етарли даражада ўрганилмаган муаммо ҳисобланади.

## Умумривожлантирувчи машқлар мажмуаси

### 1-мажмуа

**1-машқ.**Д.ҳ.асосий тик туриш 1-қўллар бош орқасида, 2-қўллар юқорида, 3-қўллар билан ташқарига айлантириб, 4-қўлларни пастга тушириш.

**2-машқ.**Д.ҳ.қўллар ён томонларга 1-үтириб, қўллар юқорига 2-туриб қўллар ён томонларга, 3-олдинга эгилиш қўллар бош орқасида, 4-ростланиш Д.ҳ.

**3-машқ.**Д.ҳ.-оёқлар кенг очиб тик туриш, қўллар ёнда. 1-ўнг оёқни букиб, чапга эгилиш, чап қўл белда, ўнг қўл юқорида. 2-ўнг оёқни текислаб д.ҳ.га қайтамиз. 3-қўллар олдинга, чапак чалиш, 4-Д.ҳ.

**4-машқ.**Д.ҳ.-чўнқайиб таяниш. 1-сакраб ётиб таяниш; 2-қўлларни букиш; 3-қўлларни текислаш; 4-сакраб д.ҳ.га қайтиш.



**5-машқ.**Д.ҳ.оёқларни очиб тик туриш,кўлларни олдинга узатиш; 1 олдинга эгилиш,кўлларни полга тегизиш,2 текисланиш д.ҳ, 3 орқага эгилиш, қўллар ён томонларда,Д.ҳ.

**6-машқ.** Д.ҳ.-кўллар юқорига.1 олдинга айланма ҳаракат билан кўлларни орқага узатиш,2-кўлларни айлантириб,юқорига кўтариш,3-чап оёқда силтаниш,кўлларни олдинга узатиш,4 Д.ҳ.

**7-машқ.**Д.ҳ.чўнқайиб таяниш.1-туриб,кўллар юқорига,2 қўлларни олдинга айлантириш,3 олдинга эгилиш,кўлларни полга тегизиш.4 Д.ҳ.

**8-машқ.**Д.ҳ. ўтириб таяниш. Кўлларни ташқарига айлантириб юқорига кўтариш,қарсак чалиш; 2-ташқарига айлантириб пастга тушириш.3-орқага ётиб таяниш.4-д.ҳ.

**9-машқ.**Д.ҳ.ўтирибтаяниш.1 чап оёқни олдинга силташ,қарсак чалиш(оёқ орқасида) .2 д.ҳ.3 олдинга эгилиш,кўлларни оёқ учларига тегизиш.4.д.ҳ.

**10-машқ.**Д.ҳ.-асосий тик туриш.1 сакраб оёқларни очиш,кўллар ён томонларга.2-сакраб оёқларни бирлаштириш,кўллар олдинга узатилади.3- сакраб оёқларни очиш, 4 сакраб д.ҳ. га қайтиш.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017- 2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги” ПФ – 4947-сонли Фармони //Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами.- Т,2017.-Б 39.

2. Абдураҳманов М. Одам анатомияси ва физиология асослари.-Т. ИТА, 2018.

3. Абизов. Т.В.комплексная оценка уровня здоровья студентов вуза, занимающихся спортом //Теория и практика физ. культуры:тренер:журнал в журнале,-2009

4. Абзалов Р.А., Павлова О.И., Сальникова В.О, Оценка уровня физической подготовленности школьников 6-11 классов // Физическая культура: воспитание, образование, тренировка. – 1999.

5. Алабин В.Г., Сутула В.А., Никитушкин В.Г. Комплексный контроль в спорте //Теория и практика физической культуры. - 1995.